

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

М.Исмоилов, З.Кўпайсинова

Параболо-гиперболик типдаги модел тенглама учун нолокал масалалар 6

БИОЛОГИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Ж.Абдурахмонов, Х.Муйдинов, М.Рахимов

Индивидларнинг умр қўриш давомийлиги ҳақида 11

В.Исаков, У.Мирзаев, М.Юсупова

Фаргона водийси қумли даҳалар тупроқлари 14

А.Махсумов, Б.Исмаилов

1-фенил азонафтот-2 пропаргил эфири ва унинг ҳосилаларининг олиниши 20

КИМЁ

Х.Юлдашев, Ю.Мансуров

Оксид катализаторларда ис газининг оксидланиши 24

С.Хушвақтов, Ю.Файзуллаев, М.Жўраев, Д.Бекчанов, М.Мухамедиев

Пластикат поливинилхлорид асосидаги янги поликомплексоннинг ғоваклик даражаси ва сорбцион хоссалари 29

Ижтимоий-туманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

И.Носиров

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида табиий бойликлардан фойдаланишда экологик менежментнинг назарий ва методологик асослари 33

С.Хусанбоев

Туризм соҳасини ривожлантиришнинг айрим масалалари 40

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ў.Аҳмедова

Таълимнинг ижтимоийлашуvida маънавий тарбия масаласи 44

ТАРИХ

О.Маҳмудов

Ўрта аср Испания таржима марказларида лотин тилига ўғирилган асарлар 47

С.Юлдашев

Фаргона сомоний волийлар бошқаруви даврида 53

А.Атаходжаев

Илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги этнослараро маънавий маданиятнинг ўзаро таъсири 61

И.Гуломов

1939 йилда Ўзбекистон ССРда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига доир 67

А.Алоҳунов

Бронза ва илк темир даври чорвадорлари ишлаб чиқариш хўжалигига доир айрим мулоҳазалар 73

В.Абиров

Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг антропологик тадқиқотларда акс этиши 77

Ш.Холикулов

Россия империяси суд-хуқуқ органлари тизимида нотариал идоралар фаолияти 84

Ш.Усанов

Янги Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлаш сиёсатининг замонавий хусусиятлари 89

ТАРИХ

УДК: 93/99+325.1/3

1939 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЎТКАЗИЛГАН АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРИГА ДОИР

О ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ, ПРОВЕДЕНОЙ В УЗБЕКСКОЙ ССР В 1939 ГОДУ

ON THE CENSUS OF THE POPULATION IN UZBEK SSR IN 1939

Илҳомжон Ғуломов¹

¹Илҳомжон Ғуломов

– Ўзбекистон Миллий университети,
Ўзбекистоннинг энг янги тарихи кафедраси, тарих
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон ССРда 1939 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири тўғрисида маълумот берилди. Ушбу тадбир натижаларига асосланган ҳолда олдиндан келгуси йилларга республикадаги ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ҳаётни режалаштирилгани тўғрисида сўз боради.

Аннотация

В статье описаны мероприятия по переписи населения, проведенные в 1939 году в Узбекской ССР. В ней говорится о том, что исходя из результатов данного мероприятия были намечены дальнеийшие планы социально-экономической и политической жизни республики на предстоящие годы.

Annotation

In this article the affairs of register of the population in Uzbekistan SSR are defined (Soviet Socialist Republic) in 1937. Through the conclusion of the register of the population the economical, social, and political life is planned to the next decades in this place.

Таянч сўз ва иборалар: аҳолини рўйхатга олиш тартиби, аҳолини рўйхатга олиш дастури, аҳоли сони, жинсий таркиб, аҳоли табиий ўсиши, статистика, доимий аҳоли, аҳоли зичлиги, шаҳар, уезд, қишлоқ аҳолиси, жазо чоралари, ҳисобчи, назоратчи-инструктор.

Ключевые слова и выражения: порядок переписи населения, программа переписи населения, численность населения, отчет о численности населения, естественный прирост населения, коренное население, плотность населения, город, уезд, сельское население, карательные меры, статистика, учетчик, контролер-инструктор.

Key words and expressions: population census activities, population registration program, population size, population report, natural population growth, indigenous population, population density, city, county, rural population, registration program, punitive measures, statistics, accountant, instructor.

Совет ҳокимияти бошқаруви даврида кўплаб муаммолар қаторида миллий республикалардаги аҳолининг ижтимоий-иктисодий ҳаёт тарзига ҳам ҳаққоний ёндашилмади. Шунингдек, Ўзбекистон ССР ва Россия ўртасидаги муносабатлар тарихи ҳам сохталаштирилди. Бу ҳолат совет тарихшунослигига хос бўлиб, унда асосан республика аҳолисининг асрий қолоқлиқдан тараққиёт чўққисига Россия олиб чиққанлиги таъкидланди. Лекин, тарихий тадқиқотларда марказнинг миллий республикаларда иктисодий, сиёсий, ҳарбий-стратегик манфаатлари борлиги очиқ-ойдин баён этилмади. Марказнинг турли йилларда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш сиёсати натижасида ундан олинган статистик рақамларга таянган ҳолда худудларга янада кўпроқ ғалла етишириш

плани, аҳолини кўчирш сиёсати ва арzon ишчи кучидан келгуси йиллар учун режа қилинган мақсадлар йўлида самараали фойдаланиб бораверилди. Бу ҳам совет даврида олиб борилган тадқиқотларда ўша давр сиёсати ва давр руҳидан келиб чиқиб очиқ айтилмади.

СССР ХҚСнинг 1938 йил 26 июлдаги №859-сонли қарорига кўра, бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш 1939 йил 17 январига белгиланди[1]. Навбатдаги тадбирда шаҳар худудларида 23 январгача, қишлоқ худудларида эса 26 январгача рўйхатга олиш ишларини якунлаш белгиланган. 1939 йилги тадбирнинг илмий дастури совет хукумати бошлиғи В.М.Молотовнинг бевосита иштироки асосида ишлаб чиқилди[2]. Сабаби, ундан олдин, яъни 1937 йили ўтказилган рўйхатга

олиш тадбирининг натижалари хукумат комиссияси томонидан қониқарсиз, деб топилганидан сўнг 1939 йилги тадбирга шахсан раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш В.М.Молотовга юклатилди. Бундан ташқари, ушбу тадбирнинг асосий рўйхатга олиш ишлари якунланганидан сўнг, шаҳарларда 24 январдан 2 февралгача, қишлоқларда эса 27 январдан 5 февралгача назорат (контроль) юришлари ўтказилиши ҳам кўзда тутилган[3]. Сабаби, қайсиdir шаҳар, район, қишлоқ ҳудудидаги аҳоли рўйхатдан ўтмаган бўлса, ушбу назорат юришларида рўйхатга олиниши лозим эди. Бу назорат юриши олдинги рўйхатга олиш йилларида расман белгиланмаган бўлиб, рўйхатга олиш дастурига умуман киритилмаган[4]. Фикримизча, олиб борилган бу назорат юришлари қайсиdir маънода 1937 йилги рўйхатга олиш тадбирида йўл қўйилган камчиликлар ортидан ушбу тадбирга бириклирлган кўплаб раҳбар ҳамда ҳисобчи ва инструкторларнинг қатағонга учраши ёки қулоқ қилиниши сабаб бўлган деб изоҳлаш мумкин. 1939 йилдаги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижалари Сталиннинг “беш йиллик режа”лари ичida мамлакат аҳолиси ҳаётида содир бўлган ўзгаришларни инобатга олиши, учинчи беш йиллик учун тузилиши керак бўлган истиқболдаги режаларни ишлаб чиқиша керакли материалларни бериши лозим эди. Ушбу рўйхатга олиш тадбири асносида барча бўғимдаги раҳбарлар – партия, совет, хўжалик бошқарув органлари аҳоли тўғрисидаги керакли маълумотлар билан куроллантирилиши зарур эди.

СССР ХКК қарорига қўра 1939 йилги Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш ишларига раҳбарлик қилиш ва уни СССР бўйича олиб боришда барча масъулият СССР ҳалқ хўжалигини ҳисобга олиш Марказий Бошқармаси (Госплан) бошлиғига ҳам юклатилди. Ушбу ташкилот қошида рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш, натижаларини қайта ишлаш учун 1939 йил бутуниттифоқ аҳолисини рўйхатга олиш Бюроси ташкил этилди[5]. Иттифоқ ва автоном республикалари, туман ва вилоятлар чегарасида рўйхатга олиш ишларини амалга оширишга раҳбарлик қилиш республика, туман ва вилоятларнинг ҳалқ хўжаликларини ҳисобга олиш бошқармалари бошлиқлари зиммасига

юклатилди. Улар қошида худди йирик шаҳарлардаги каби, аҳолини рўйхатга олиш бюролари ташкил этилди. Шаҳар ва туманларда рўйхатга олишни ташкил этиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш эса туман ва шаҳар ҳалқ хўжалигини ҳисобга олиш ходимлари зиммасига юклатилди.

Россия империяси ҳамда совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида ўтказилган тадбирлар ичida 1939 йили ўтказилган рўйхатга олиш тадбирининг аввал ўтказилган тадбирлардан ўзига хос томони шунда эдики, мавжуд ва доимий аҳоли тўлиғича рўйхатга олинди. 1939 йилги олинган натижалар эса аҳолини тўлиқ қамраб олингандиги билан аҳолининг ўёки бу табақасига кўра социалистик курилиш талабларидан келиб чиқиб, хукуматга аҳолини бир қатор белгиларга кўра тавсифлаш имконини берди. Бу тадбирлар натижасида республика аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзига айтарли даражада аҳамият қаратилмади. Тадбир давомида олинган натижаларга таяниб фақатгина марказ раҳбариятининг топшириғи асосида келгуси йиллар учун режалар тузиб борилди. Бу ҳам бўлса аввало совет ҳокимиятининг манфаатларини ўйлаган ҳолда амалга ошириб борилди.

1939 йилги тадбирининг рўйхатга олиш дастури В.М.Молотов раҳбарлигига олиб борилган ва СССР ХКК томонидан тасдиқланган[6]. Бу йилги тадбирининг дастури ва рўйхатга олиш вараги 1938 йил 26 июлида СССР ХККнинг ушбу тадбирни ташкил этиш бўйича ўтказилган йиғилишида тасдиқланди[7]. Рўйхатга олиш дастурига киритилган саволлар тадбиргача бир неча маротаба ўзгаририлган. Рўйхатга олиш варақасида аҳолидан фамилияси, исми ва отасининг исмидан ташқари қўйидаги 16 та саволга жавоблар ёзиб борилган[8]. Ҳусусан:

- Оила бошлиғига нисбатан муносабати (рафиқаси, ўғли, қизи, онаси, отаси, жияни ва ҳ.к.);
- Бу ерда доимий яшайдими ёки вақтингчами;
- Вақтингча яшовчилар учун қўйидагилар кўрсатилиши шарт: а) доимий яшаш жойи б) қанча вақтдан бўён доимий яшаш жойида бўлмаган;
- Шу ерда доимий яшаётган, лекин вақтингча бўлмаганлар учун “вақтингча йўқ” белгисини қўйиш ва қанча вақт йўқлигини кўрсатиш;
- Жинси (эркак, аёл);
- Туғилганига неча йил бўлди, бир ёшдан кичик бўлганлар учун неча ой;
-

ТАРИХ

Миллати; 8. Она тилиси; 9. Никоҳдан ўтганни; 10. Қайси давлат фуқароси; 11. Маълумоти: а) ўқииди ва ёзади, ёки фақат бирор тилда ўқииди; б) маълумотга эга эмас; 12. Ўқувчилар учун кўрсатилиши керак: а) ўқув юртининг, мактаби ёки курсларни тўлиқ номи; б) қайси синфда ёки курсда ўқииди (бир йилдан кам вақт ўқийдиганлар учун “қисқа вақтли” деб кўрсатилиши керак); 13. Ўрта ёки олий мактабни тугатганни (“ўрта”, “олий” белгисини кўрсатиш); 14. Ҳозирги вақтдаги машғулот тури (хизмат) ёки яшashi учун бошқа даромад манбалари; 15. Иш жойи (корхона, колхоз, муассаса номи); 16. Жамиятнинг қайси гуруҳига мансуб: ишчилар, хизматчилик, колхозчилик, ҳунармандлар, якка деҳқонлар, эркин касб эгалари, маданият ва ишсизлар гуруҳлари. 1939 йилги рўйхатга олиш варағида маълумоти ҳақидаги саволдан ташқари ўрта ёки олий маълумотни тамомлаганни, деган савол ҳам ушбу саволнинг таркибий қисми сифатида киритилган[9]. Аслида эса аҳолининг маълумотлилик даражасини аниқлаш учун 1939 йилги тадбирда рўйхатга олиш варағига 3 та саволдан иборат бўлган сўров киритилган. Ушбу тадбир учун ишлаб чиқилган саволлар 16 тани ташкил этса-да, аслида эса савол ичидағи саволлар билан уларнинг сони 30 та га яқин эди. 1920 ва 1926 йиллардаги тадбирларда эса фақатгина умумий маълумот олиш учунгина саводхонлик даражаси ўрганилган, холос. 1939 йилги тадбир нажаларига кўра ҳар бир худуддаги аҳолининг маълумотлилик даражаси аниқ сонлар билан ҳисоблаб чиқилган.

1939 йилги тадбирни бошлаш олдидан ССР Министрлар Совети хузуридаги МСБ раҳбари В.Старовский томонидан барча иттифоқдош республикаларга 1938 йил 26 ноябрда №16-10-360 сонли маҳсус телеграмма юборилди[10]. Унда рўйхатга олиш тадбирига барча куч ва имкониятларни сафарбар этган ҳолда, сўнгги бор барча жойлардаги тайёргарлик ишларини текшириб чиқиши ҳамда 1937 йилги хатоларни такрорламаслик тўғрисида огоҳлантириш берилган. Ушбу телеграмманинг ўзи қайсиидир маънода тадбирга жалб этилган барча ходимларга сигнал эди. Сабаби, олдинги тадбирда кузатилган камчиликлар такрорлангудек

бўлса, ҳеч ким аяб ўтирилмаслиги кундек равшан эди.

1939 йилги рўйхатга олиш варақасига қуйидагича шиор ёзилган: “Ҳар бир фуқаронинг бурчи – рўйхатдан ўтиш ва рўйхат варақасининг ҳамма саволларига аниқ жавоб беришдир”. Бу рўйхат варақаси ССР Министрлар Советининг 1938 йил 26 апрелдаги №280 сонли қарори билан тасдиқланган[11]. Ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари бўйича ўрганилган манбаларда қайд этилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, рўйхатга олиш варақаларига ёзилган ҳар бир киши тўғрисидаги маълумотлардан фақатгина тасдиқланган дастур ва инструкцияга мувофиқ ҳолда фойдаланиш мумкин бўлган. Маълумотларни бирорга айтиш ёки рўйхатга олиш варағини йўқотиш ушбу тадбирга жалб этилган барча ходимларга қатъиян тақиқланган. Ўз-ўзидан маълумки, йиғилган статистик рақамлар чоп этилмагунига қадар уни ошкор этиш сир сақланган.

1939 йил 16 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Йўлдош Охунбобоев ушбу жараённи бошлаш олдидан рўйхатга олиш тадбирига бириктирилган 22 минг нафардан ортиқ масъулларга ҳамда республика аҳолисига қуйидагича мурожаат қиласи: “...эртага жуда муҳим кун, жиддий ва масъулиятли статистика иши бошланади. Бу йилги рўйхатга олиш тадбири муҳим давлат иши. Унда республиканинг барча аҳолиси фаол иштирок этиши шарт. Республиканинг эртанги куни ушбу рўйхатга боғлиқдир. Рўйхатдан ўтишдан бош тортган аҳолига жарима қўлланади”[12]. Шу ўринда айтиш лозимки, ўрганилаётган даврда ушбу рўйхат ишига тўсқинлик қилганлар суд жавобгарлигига тортилиши тўғрисида огоҳлантирилган. Айниқса, рўйхатга олувичи рўйхатчи ва уларни ҳисобловчи статист ходимлардан йиғилган маълумотларни аҳолига ошкор қилса суд жавобгарлигига тортилиши белгиланган. Бу тўғрида эса 1938 йил 26 июлдаги Ўзбекистон ССР ХККнинг ушбу тадбирни ўтказиш бўйича бўлиб ўтган йиғилишида қарор қабул қилинганди[13]. Бу тўғрида В.М.Молотов ҳам барча иттифоқдош республика раҳбарларини қаттиқ огоҳлантирган. У ҳам бу тадбир бўйича берган топшириғида бу жараённи

“рўйхатга олиш тадбири умумий ҳалқнинг ишидир”, дея тарифлаб, унга ёрдам бериш барча раҳбарларнинг иши эканини ҳамда унга масъулият билан қараб, “учинчи беш йиллик режа”лар учун жуда муҳимлигини таъкидлайди[14].

1939 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирида куйидаги шиорлардан кенг фойдаланилди: ҳусусан, “Рўйхатга олиш натижалари мазмунан социалистик маданиятнинг тараққиётини белгилаб беради”, “Мамлакатимизнинг барча аҳолисини тўла равишда рўйхатга олишга эришайлик”, “1939 йил 17 январь куни бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш – бу, Иттифоқнинг жипслашганлигини кўрсатади”, “1939 йилги рўйхатга олиш тадбири – СССРда социализм улуғ ғалабаларининг кўригидур”, “Бутун союзда аҳолини рўйхатга олиш – СССРда социализм ғалабасининг натижаларини, совет ҳалқининг моддий аҳволини ва маданиятини юксалганлигини акс эттиради”, “Ҳаммамиз бир кишидек рўйхатга олиш тадбирида иштирок этайлик”, “Ишчилар, дехқонлар, совет интеллигенцияси – 1939 йил 17 январда бутун иттифоқ аҳолини рўйхатга олиш бошланади”, “Рўйхатга олиш иши муваффақиятли ўтказилиши сизларга боғлиқдир”, “Рўйхатга олиш варақасининг ҳамма саволларига аниқ жавоб берингиз”. Бу каби бир қатор шиорлар билан 1938 йили Совет Иттифоқнинг барча ҳудудларида тарғибот ишлари кенг миқёсда олиб борилди. 1939 йилги тадбирни ўтказишда ҳамда уни ташкил этишдаги тарғибот ишларида бутуниттифоқ бўйича 400 та дан ортиқ шиордан кенг фойдаланилди[15].

1939 йилги тадбирда ҳам (бу шиор 1920, 1926, 1937 йилларда ўтказилган тадбирларда ҳам бош шиор вазифасини ўтаган) ушбу тадбир юзасидан барча шаҳар ва қишлоқлар, ташкилотлар, кўчалар, бозорлар, колхозлар ва совхозларда ёпиширилган эълонларда В.И.Лениннинг “Рўйхатга олиш иши – фақатгина идора иши эмас, балки бутун республиканинг ишидир”, барча совет муассасаларининг ишидир”, деган сўзлари асосий шиор вазифасини ўтади[16].

1939 йилда рўйхатга олиш ишларини ташкил қилишда эришилган катта ютуқ шундан иборатки, инструкцион тартибда кўрсатмалар ушбу тадбирга жалб этилган

барча бўғим ходимларига ва аҳолига тўлиқ берилган ва тадбир олди тушунтириш ишлари олдинги йиллардаги тадбирларга нисбатан кенг олиб борилди. Ҳисобчи ва назоратчи-инструкторлар маҳсус курсларда ўқитилган. Бориш қийин бўлган туманлар, қишлоқ хўжаликлари ва аҳоли пунктларининг рўйхатлари СССР ХҚКнинг маҳсус қарори билан тасдиқланди ва алоҳида вақт ажратилди. Бу қарорга кўра, бир қатор туманлар, қишлоқ хўжаликлари, узоқ аҳоли пунктларида аҳолини рўйхатга олиш 1938 йилнинг III кварталида олдиндан ўтказилди[17]. Бу ҳудудларга қишида алоқа ўрнатиш қийин ёки боришнинг имкони бўлмаган ҳудудлар киритилган. Ҳусусан, Ўзбекистоннинг Бухоро, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари (октябрь ойида) ва Қорақалпогистон АССР (октябрь-декабрь ойларида) аҳолиси 1938 йилнинг охиригача маҳсус экспедиция юбориш орқали рўйхатдан ўтказилди[18]. СССР ХҚКнинг қарорига мувофиқ Иттифоқнинг, шу жумладан Ўзбекистон ССРнинг дашт районларида (Қорақўл, Когон, Косон, Бешкент, Қарши, Мўйноқ, Свердлов ва Конимех районларининг дашт ҳудудларида) аҳолини рўйхатга олиш ишлари 1939 йилнинг 1 январидан 25 январигача тугатилиши белгиланди[19]. Яна шу нарсани ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, кўплаб дашт ҳудудларида истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли вакиллари рўйхатга олиш ишларига тўсқинлик қилишгани ҳамда аҳолини рўйхатдан ўтмаслиқка ундашгани тўғрисидаги маълумотлар келтириллади. Бу жараён айниқса Қорақалпогистон АССРнинг Мўйноқ туманида яққол кўзга ташлангани ўша давр матбуот нашрларида чоп этилган тадбирни ёритишга бағишлаб ёзилган мақолаларда қайд этиб борилди[20].

1939 йилги рўйхатга олиш тадбирида Ўзбекистон ССР ҳудуди бўйича расман 17005 нафар рўйхатга олувчи ҳисобчи, 3688 нафар назоратчи-инструктор республиканинг барча ҳудудларига бириктирилди[21]. Улардан 5899 нафар ҳисобчи шаҳар ҳудудларига, 9933 нафари эса қишлоқ ҳудудларига, 879 нафар инструктор-назоратчи шаҳар ҳудудларига, 2577 нафари эса қишлоқ ҳудудларига бириктирилган. Бундан ташқари, кўнгилли равишда рўйхатга олиш ишларига ёрдам берган турли ташкилотларнинг ходимлари ҳам бор эди.

ТАРИХ

Бундан ташқари, ўтган йилларда ҳисобчи ва назоратчи-инструкторлар етишмаслигини инобатга олган ҳолда 232 нафар назоратчи-инструктор ва 1086 нафар ҳисобчи захирада турганлиги мазкур даврга оид архив хужжатларида қайд этилган[22]. Юқорида келтириб ўтилган рақамлардан ҳам кўриш мумкинки, 1939 йилги тадбирга биринтирилган ҳисобчи ва назоратчи-инструкторлар ўтган йилларда ўтказилган тадбирларга жалб этилган ходимлар сонига нисбатан кўпчиликни ташкил этган.

Шунингдек, 1939 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижаларини чоп этиш жараёни деярли олдинги йиллари ўтказилган тадбирларнига ўхшаш бўлган. Ушбу тадбирнинг айрим натижалари 1950 йилда “Ўзбекистон: иқтисодий-географик тавсиф” маълумотномасида ва қисман 1962 йилда 1959 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг якуний натижаларининг хуносасида нашр қилинган[23].

Тадқиқотчи Г.С.Мержанов ўз илмий изланишлари давомида 1939 йилги рўйхатга олиш тадбири нафақат Ўзбекистон ССРнинг, балки бошқа миллӣ республкаларнинг ҳам келгусидаги иқтисодиётини олдиндан ўйлаган ҳолда ўказилди, дея мустамлакачилик даври руҳидан келиб чиқиб, бир тарафлама баҳо беради[24]. Аслида совет ҳокимиютининг бу тадбирлардан энг аввало кўзлаган иқтисодий ва сиёсий режаси ҳам шундай гоя асосида олиб борилди. Лекин, бу тадбирларнинг барчаси бир қатор ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий мақсадни кўзлаган ҳолда марказ манфаатлари йўлида ўтказиб борилди. Биргина мисол сифатида оладиган бўлсак, 1939 йили ўтказилган рўйхатга олиш тадбирининг якуний статистик натижаларидан 1941-1945 йилларда бутун дунёни аланга ичida қолдирган II-Жаҳон урушиш йилларида устомонлик билан фойдаланилди, десак муболаға бўлмайди. Умуман олганда, СССР хукумати учун бу каби тадбир натижалари айтарли равишда йиллар давомида ўз мақсадлари йўлида асқотиб келди.

СССР XKKнинг қарори билан 1939 йил январ ойида ўтказиладиган тадбирни барча аҳолига етказиш ҳамда тушунтириш ишларини олиб бориш учун 1938 йилнинг октябрь-декабрь ойларида барча Иттифоқ

худудларида тарғибот ишлари олиб борилди[25]. Хусусан, СССР Госплани хузуридаги Халқ хўжалиги ҳисоби бошқармаси бошлиғи И.Саутин шундай дейди: “1939 йилги рўйхатга олиш ишларига тайёргарликни большевикчасига текшириб, ушбу тадбирнинг намунали ўтказиш лозим. Ушбу тадбирни яхши ўтиши рўйхатчиларга боғлиқ. Сабаби шундаки, рўйхатга олиш ишларига қарши қаратилган салгина урушларга дарҳол барҳам беришлари ва аҳолига тадбирнинг мақсадини тўғри тушунтириб беришлари лозим”[26]. Дарҳақиқат, 1939 йилги рўйхатга олиш тадбирига оид бирламчи манбаларни ҳамда даврий матбуот нашрларида ёритилган маълумотларни таҳлил қилас эканмиз, бу тадбир ўтказилишига қарши бир қатор аҳоли орасида низолар келиб чиққанлиги ҳам таъкидланади[27]. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳам ушбу тадбирга тайёргарлик ишлари расман 1938 йилнинг сентабрь ойидан бошланган ва аҳоли орасида 4 ой давомида тушунтириш ишлари мунтазам уйма-уй юриб олиб борилди[28]. Фикримизча, бу каби ташкилий ишларнинг олдиндан олиб борилиши ва аҳоли орасида тушунтириш ишларига кенг миқёсда урғу берилишининг сабаблардан бири 1937 йилги тадбир натижалари унинг оқибатлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, совет ҳокимиютининг республикадаги маҳаллий аҳоли миллӣ таркиби ва унинг ижтимоий ҳаётига ҳамда бошқа миллатлар билан муносабатларига бўлган бефарқлиги кейинги йилларда ҳам давом этиб бораверди. Совет даврида олиб борилган тадқиқот ишлари ҳам ушбу сиёsatни бир томонлама ёритган ҳолда мафкуравий тузум шароитидан келиб чиқиб олиб борилди. Мустақиллик йилларига келибгина ўтган XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср давомида минтақа ҳудудида Россия империяси кейинчалик унинг сиёсий вориси саналган совет ҳокимиюти томонидан олиб борилган сиёsatни манбаларга таянган ҳолда ҳолисона ёритиш имкони туғилди. Аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари асосида олинган натижалар ҳам том маънода барча миллӣ ва иттифоқдош республикаларда истиқомат қилган аҳолининг елкасига оғир юкни ташлади. Ўтган аср давомида бўлиб ўтган ушбу тадбир жараёнларидан олинган илмий

хулоса ва таклифлар эртанги кунимиз каби жараёнларни тадқик этишда яқиндан бунёдкорлари ҳисобланган ёш авлодга ушбу ёрдам беради.
тадбирларни ўрганишлари ва келгусида бу

Адабиётлар:

1. Ўз МА, Р 1619 фонд, 5-рўйхат, 1-йигма жилд, 4-варақ.
2. Ўз МА, Р 1619 фонд, 11-рўйхат, 634-йигма жилд, 4-варақ.
3. Ўз МА, Р 1619 фонд, 5-рўйхат, 1-йигма жилд, 9-варақ.
4. Пустоход П.И., Воблий В.К. Переписи населения (их история и организация). – Москва, Ленинград. Госпланиздат. 1940 г. – С.131.
5. Ўз МА, Р 1619 фонд, 5-рўйхат, 1-йигма жилд, 54-варақ.
6. Подъячих П.Г. Всесоюзная перепись населения 1939 года. (Методология и организация проведения переписи и разработки итогов). – Москва. Государственное статистическое издательство. 1957 г. – С.5.
7. Ўз МА, Р 1619 фонд, 19-рўйхат, 4-йигма жилд, 6-варақ.
8. Переписи населения: альбом наглядных пособий. – Москва. Институт Изостат. 1938 г. – С.26.
9. Ўз МА, Р 1619 фонд, 5-рўйхат, 1-йигма жилд, 37-варақ.
10. Ўз МА, Р 1619 фонд, 5-рўйхат, 3734-йигма жилд, 2-варақ.
11. Ўз МА, Р 1619 фонд, 5-рўйхат, 25-йигма жилд, 1-варақ.
12. Ўз МА, Р 1619 фонд, 11-рўйхат, 142-йигма жилд, 3-варақ.
13. Қизил Ўзбекистон. "Муҳим давлат иши", 1939 йил 29 январь №16 (4381). 5-бет.
14. Қизил Ўзбекистон. "Муҳим давлат иши", 1939 йил 29 январь №16 (4381). 5-бет.
15. Ўз МА, Р 1619 фонд, 11-рўйхат, 632-йигма жилд, 14-варақ.
16. Ўз МА, Р 1619 фонд, 5-рўйхат, 25-йигма жилд, 24-варақ.
17. Ўз МА, Р 1619 фонд, 11-рўйхат, 679-йигма жилд, 5-варақ.
18. Пустоход П.И., Воблий В.К. Переписи населения (их история и организация). – Москва, Ленинград. Госпланиздат. 1940 г. – С.139.
19. Қизил Ўзбекистон. "Дашт раёнларида аҳоли рўйхати бошланди", 1939 йил 4 январь №7 (4381). 2-бет.
20. Қизил Ўзбекистон. "Дашт раёнларида аҳоли рўйхати бошланди", 1939 йил 4 январь №7 (4381). 3-бет.
21. Ўз МА, Р 1619 фонд, 11-рўйхат, 625-йигма жилд, 15-варақ.
22. Ўз МА, Р 1619 фонд, 11-рўйхат, 625-йигма жилд, 28-варақ.
23. Маҳкамова Н. Узбекистон худудида жамият ижтимоий тузилмаси: анъаналар ва трансформациялар (XIX аср охири ва XX асрнинг 30-йиллари). Т.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторефорати. – Тошкент. 2009 й. 8-бет.
24. Мержанов Г.С. Население Узбекистана (по материалам трех народных переписей – 1897, 1926, 1939 гг.), Диссертация. Канд. Экан. Наук. – Т.: 1957 г.
25. Ўз МА, Р 1619 фонд, 11-рўйхат, 662-йигма жилд, 14-варақ.
26. Ўз МА, Р 1619 фонд, 5-рўйхат, 1-йигма жилд, 35-варақ.
27. Қизил Ўзбекистон. "Аҳоли рўйхатига тайёргарликни текшириш", 1939 йил 9 январь №7 (4385). 1-бет.
28. Ўз МА, Р 1619 фонд, 11-рўйхат, 711-йигма жилд, 5-варақ.

(Такризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)